

**Барқарор банк тизими —  
кулай ишбилармонлик  
муҳитининг мустаҳкам асоси**  
(6-7-бетларда ўқинг).



Долзарб шарҳ.....5

Акциядорлик жамиятларида корпоратив  
бошқарувни ривожлантириш  
истикболлари..... 10

# БАНК АЖБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 13 (984), 2015 йил 26 март

www.banknews.uz

● Сайлов — 2015

## Марказий сайлов комиссиясида учрашувлар

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.**

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ очиқ ва ошқора ўтказилаётган 2015 йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди.

Халқаро кузатувчиларга Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Сайлов жараёни иштирокчилари сайловолди ташвиқотини ўтказиши ва шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши учун тенг шароитлар билан таъминлангани таъкидланди.

АҚШ кузатувчиларининг қайд этишича, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар изчил ривожланмоқда ва бу мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётгани натижасидир. Улар Президентликка номзодлар томонидан ўтказилаётган сайловолди ташвиқотини ижобий баҳолади.

Шунингдек, япониялик кузатувчи Кюдзо Като ва Покистон Миллий ассамблеяси депутати Гоус Бах Хон Махр билан учрашувлар бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонга илк бор эллик йил аввал келгандим, — деди К.Като. — Шу вақт ичида мамлакатингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодий ва молиявий соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон сайлов тизимидан яхши хабардорман. Мамлакат Президентлигига сайлов ҳам юксак даражада ўтишига ишонаман.

Халқаро кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини берадиган мандатлар топширилди.

**ЎЗА МАТЕРИАЛИ АСОСИДА.**

## Баҳор мавсумидаги омонатлар

«Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки Наврўз — умумхалқ байрами муносабати билан аҳоли эътиборига тўртта янги омонат турини ҳавола қилди.

Улардан бири «Азиз оила» омонати бўлиб, унга маблағлар 12 ой муддатга чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Депозит учун ҳисобланган йиллик фоиз тўловлари ҳар ойда тўланади ёки омонатчи хоҳишига кўра, коммунал тўловлар ёхуд «Интернет-банкнинг» хизмати учун ўтказилади.

Банк омонатларининг яна бири баҳор мавсумига хос равишда «Кўклам» дея номланди. Мазкур омонат бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади. Омонатга қўшимча бадал киритиш ва унинг қисман берилиши эса ман этилади.

«Хазина». Ушбу депозитнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, ҳисобланган устамалар ҳар ойда тўланади. Омонат тартибига кўра, қўшимча бадал киритиш ва унинг қисман берилиши амалга оширилмайди.

«Алоқабанк» навбатдаги омонатни жорий қилишда коммунал ва шунга ўхшаш бошқа тўловларни тўлашда мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсади кўзда тутилди. «Осон тўлов» номли мазкур омонат бўйича ҳисобварақлар 12 ой муддатга очилиб, унга ҳисобланган фоизлар барча турдаги коммунал хизматлар, шунингдек, интернет, уй ва уяли алоқа телефонлари, кабель ва рақамли телевидение хизмати, суғурта ва солиқ тўловлари учун нақд пулсиз шаклда кўчириб берилади.

Айни пайтда «Алоқабанк» АТБ амалда бўлган омонатлар сони 32 тага етди. Улар миллий ва хорижий валютада муддатли ҳамда жамғарма турдаги омонатлар бўлиб, шарт-шароитлари жиҳатидан аҳолининг барча қатламини кенг қамраб олган.

**Наргиз АХМЕДОВА.**

## «Ипак йўли» банки: бозор мавқеи мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган янгиланишлар, ҳар бир тармоқда қўлга киритилаётган ютуқлар, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши замирида ҳам молия муассасаларининг салмоқли ҳиссаси бор.

Жумладан, «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки фаолияти давомида иқтисодиётимизда асосий куч саналаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаб, турли хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларга банк хизматларининг инновацион шаклини тақдим этиб келмоқда.

Муассаса фаолият бошлаганидан буён «Банк мижоз учун», «Мобиль хизмат», «Тараққийпарварлик» каби тамойиллар ҳамда «Бизнесни юритишнинг ахлоқодоб қоидалари»га таянган ҳолда иш юритиб, ҳамкорлари ва мижозлари доирасини кенгайтирмоқда, улар ишончини қозониб, ўзи ҳам барқарор натижалар билан молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамламоқда. Хусусан, банкнинг кредит лаёқатлилиги рейтинг



ги «Moody's Investors Service» ва «Fitch Ratings Ltd.» каби нуфузли хорижий рейтинг компаниялари, шунингдек, «Ahbor-Reyting» миллий рейтинг агентлиги томонидан мунтазам янгиланиб келинмоқда.

Банк тизимидаги катта тажри-

ба, малакали ходимлар жамоаси ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликда мижозлар талаб ва эҳтиёжларини доимо устун қўйиш «Ипак йўли» АИТБнинг юртимиздаги энг яхши банклар қаторидан жой олишига пойдевор бўлмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 24 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1939,87	1 Канада доллари	1977,51	1 Норвегия кронаси	309,76	1 евро	2642,45
1 Англия фунт стерлинги	3710,08	1 Хитой юани	400,29	1 Польша злотийси	650,10	10 Жанубий Корея вони	22,29
1 Дания кронаси	360,34	1 Кувайт динори	8293,22	1 Сингапур доллари	1805,21	10 Япония иенаси	207,19
1 БАА дирхами	676,35	1 Россия рубли	41,38	1 СДР	3421,15	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2484,15	1 Украина гривнаси	107,12	1 Туркия лираси	964,79		
1 Миср фунти	325,58	100 Ливан фунти	165,61	1 Швейцария кронаси	287,86		
1 Исландия кронаси	18,08	1 Малайзия рингити	673,39	1 Швейцария франки	2542,63		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи: **1 USD ▲ 2484,15 - (2478,23) | 1 EUR ▼ 2642,45 - (2656,19) | 1 GBP ▲ 3710,08 - (3657,62) | 10 JPY ▲ 207,19 - (204,31)**

## ISLOHOTLAR YO'LIDA

## «Ипак йўли» банки: бозор мавқеи муштаҳкамланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банк бизнесини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи инфратузилмаси тобора кенгайтирилмоқда. Ҳозирги кунда пойтахтимизда банк бош офисидан ташқари 7 та филиали ва 39 та экспресс-марказлари, шунингдек, республикамизнинг олти вилоятида 7 та филиал ва 49 экспресс-марказлари фаолият юритмоқда. Жорий йилда ҳам банк

лаштириш бўйича техник ёрдам кўрсатмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, «Ипак йўли» АИТБнинг энг устувор вазифаси – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда унинг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Банкнинг кичик ва микромолиялаштиришда эришган катта ютуқларидан бири ҳам ОТБнинг «Кичик ва микромолиялаштириш» лойиҳасидаги иштироки бўлди. 2006 йилдан буён ушбу лойиҳа бўйича муассасага 3 та кредит линияси ажратилган бўлиб, ундан 2 таси тўлиқ ва му-

**2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,34 фоизга ўсиб, 1 276 млрд. сўмга етди. Бунда банкнинг ўз маблағлари 132,74 млрд. сўмни ташкил этди.**

ваффақиятли ўзлаштирилди: 1,3 млн. АҚШ доллари (1-фаза) ва 17 млн. АҚШ доллари (2-фаза). Ушбу кредит линия ҳисобидан 259,6 млрд. сўмлик 10 мингта лойиҳа молиялаштирилди. Аввалги лойиҳаларнинг муваффақиятли ўзлаштирилиши натижасида банк ОТБ томонидан «Кичик ва микромолиялаштириш» лойиҳасининг янги қатнашчиси сифатида танлаб олинди. Натижада 2014 йилда «Ипак йўли» АИТБга 25 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит линияси ажратилиб, 1,5 мингта лойиҳа молиялаштирилди. Эътиборли томони, микрокредитларнинг 40 фоизи аёллар тадбиркорлигига йўналтирилди.

2014 йил якунлари бўйича банкнинг молиявий кўрсаткичлари унинг активлари ва капиталнинг режали ва барқарор ўсаётганини кўрсатмоқда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,34 фоизга ўсиб, 1 276 млрд. сўмга етди. Бунда банкнинг ўз маблағлари 132,74 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк фаолиятининг муҳим босқичларидан бири 2013 йилда банк устав капиталига Осиё тараққиёт банкнинг 13,6 фоиз улуши қўйилганлиги бўлди. Банк бундай нуфузли халқаро молия институтининг юксак ишончини олиб, ҳозирги кунда ўзининг республика банк тизимидаги ўрнини муштаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Бу борада Осиё тараққиёт банки (ОТБ) маслаҳатчи-экспертлари банк фаолиятини такомиллаштириш ва уни халқаро стандартларга мувофиқ-

лаштириш бўйича техник ёрдам кўрсатмоқда.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг кредит портфели 680,44 млрд. сўмни ташкил этиб (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 63,13 фоизга ошган), унинг 70 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилинган.

2014 йил давомида мазкур банк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига жойларда олти мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган.


**Назира МАВЛОНОВА.**

## Хусусий тадбиркорликка хорижий сармоялар

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий касаначилик ва аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини жалб қилмоқда.

Чет элдан замонавий махсус техника ва технологиялар харид қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун «Микрокредитбанк» АТБ томонидан Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорациясининг 10 млн. АҚШ доллари тенг маблағи тўлиқ ўзлаштирилди. Ушбу маблағлар банк миқозларининг тиббиёт диагностикаси мажмуаси, йўл қурилиши учун махсус техника, автомобилларга газ ускунасини ўрна-

ўзлаштиришда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди билан ҳам самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Фонднинг 6 млн. АҚШ доллари миқдориданги маблағи ҳисобидан Сурхондарё вилоятида мева-сабзавотларни етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологик линиялар ўрнатиш билан боғлиқ лойиҳаларга 1,2 млн. АҚШ доллари миқдоридан сармоя йўналтирилди. Ҳозирги кунда банк фонднинг 2016 йилда



тиш тизими ва шунга ўхшаш турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича технологик линиялар харид қилишга йўналтирилди. Натижада янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб, қўшимча иш ўринлари яратилди. 2015 йилда ҳам «Микрокредитбанк» АТБ Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорациясининг 20 млн. АҚШ доллари тенг маблағини ажратиш ҳақида келишувга эришди.

Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» халқаро кредит линияларини

чорвачиликни ривожлантириш, янги кредит линиясини амалга ошириш учун тегишли таклифлар тақдим этишда лойиҳа экспертлари билан фаол иш олиб бормоқда.

Шунингдек, «Микрокредитбанк» ва Ислом тараққиёт банки ўртасида аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш имтиёзли кредит линияси ҳамда БМТ Тараққиёт Дастури лойиҳалари юзасидан дастлабки келишувларга эришилган бўлиб, лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

**Эъзоз КАМОЛОВА.**

## Фаол меҳнат самараси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловда ҳар йили юқори натижаларни кўлга киритмоқда.

Хусусан, 2014 йил якунлари бўйича ўтказилган танловда банк 4 та йўналишда совринли ўринларга эга бўлиб, диплом ва совғалар билан тақдирланди. «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» ҳамда «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» асосий номинацияларида 2-ўринларни эгаллади. Шунингдек, 16 ёшгача болалар учун мўлжалланган «Бойчечак» жамғарма депозити «Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити», банкнинг Пул муомаласи департаменти директори Людмила Бодягина «Омонатларни жалб қилиш бўйича банк фахрийси» қўшимча номинацияларида ғолиб бўлди.

– Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича респуб-

лика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги 991-сонли Қарорига асосан, ҳар йили ташкил этилаётган танлов банкларнинг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолиятини янада ривожлантириш, банк хизматлари сифатини ошириш, жисмоний шахсларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда янги омонат турларини жорий этиш орқали банкнинг ресурс базасини янада кенгайтириш, инвестицион фаоллигини ошириш, банклар ўртасида соғлом рақобатни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди ТИФ Миллий банкининг Омо-

нат операциялари бошқармаси бошлиғи Отабек Мирзаев. – Шунингдек, банк соҳасининг барча йўналишлари қаторида чакана хизматлар доирасида ҳам ўз мавқеини юксалтириб бориш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқда. Жаҳон банк тизимида кенг қўлланилаётган замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда аҳоли учун янги хизмат турларини жорий қилиш шулар жумласидандир. Банкмиз томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб,

2014 йилда сақлаш муддати 2 ойдан 2 йилгача бўлган миллий ва хорижий валютада жами 15 та янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини айтиб ўтишим мумкин. Жумладан, Истиқлолимизнинг 23 йиллигига бағишлаб, «Муштақиллик» ҳамда «Обод юрт», «Соғлом бола йили» Давлат дастурига кўра, 7 ёшгача болалар учун «Келажак авлод», коммунал тўловларга мўлжалланган «Зангори олов», «Ёрқин», «Чашма» номли депозитлар жорий этилди. Бундан ташқари, аҳолининг банк омонатларига қизиқшини янада ошириш мақсадида «Пенсионный» номли муддатли омонат тури бўйи-

ча миқозлар ўртасида пул ютуқли лотерея тираж ўйини ўтказилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, ҳисобот даврида жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғи ўтган даврга нисбатан 162 млрд. сўмга кўпайган, шундан муддатли ва жамғарма депозитлар миқдори 38 фоизга ортишига эришилди.

2015 йил Юртбошимиз томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан, банк томонидан ёши 50 ёшдан ошган миқозларимиз учун миллий валютада «Эъзоз» ҳамда ҳисобланган фоизларни қишлоқ жойларда қуриб битказилган намунавий уйлар кредитини тўлаш учун мўлжалланган «Ҳисобли» дея номланган янги муддатли омонат турлари жорий этилди.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## REYTINGLAR



## Тижорат банкларининг якка тартибдаги рейтинг натижалари шарҳи

### «Ипак йўли» АИТБ

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банкининг илгари берилган рейтинг мониторинги натижалари юзасидан «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.

Кўриб чиқиладиган давр мобайнида «Ипак йўли» АИТБ бизнеси миқёси барқарор суръатлар билан ривожланган. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банк активлари 128 трлн. сўмга етиб, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 25,34 фоизга ошган.

«Ипак йўли» АИТБ ликвид мавқеи мақбул дея баҳоланмоқда. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банкнинг ликвид активлари банк активларининг 36,91 фоизини ташкил этди (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 47,77 фоиз).

Шу билан бир вақтда, кўриб чиқиладиган давр мобайнида «Ипак йўли» АИТБ жорий активлари аввалги йилнинг шу даври билан солиштирилганда 2,63 фоизга камайди, жорий мажбуриятлари эса аксинча 2013 йил IV чораги якунлари билан солиштирилганда 22,25 фоизга ошди. Бунда «Ипак йўли» АИТБ жорий ликвидлиги коэффициенти 2013 йил IV чораги якунларидаги 82,01 фоиздан 2014 йил IV чораги якунларига кўра 65,32 фоизгача пасайди ва мақбул даражада дея баҳоланмоқда.

Кўриб чиқиладиган даврда «Ипак йўли» АИТБ мақбул капитал базага эга бўлган. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банкнинг хусусий капитали аввалги йилнинг шу даври билан солиштирилганда 26,12 фоизга ошди ва 132,7 млрд. сўмга етди (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 105,3 млрд. сўм). Шу жумладан, бир йил давомида банк устав капитали 20,71 фоизга ошди ва 74,3 млрд. сўмга ёки «Ипак йўли» АИТБ жами капиталининг 55,99 фоизга етди. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «Ипак йўли» АИТБ умумий капитали ва I даражадаги капитали етарлиги коэффицентлари тегишинча 13,70 фоиз ва 11,00 фоизни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 16,00 фоиз ва 12,70 фоиз) ташкил этди.

### «InFinBank» ХАТБ

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «Invest Finance Bank» хусусий акциядорлик-тижорат банкининг рейтинг мониторинги натижалари юзасидан «Ижобий» прогнози билан «uzA» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.

Кўриб чиқиладиган даврда «InFinBank» ХАТБ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари барқарор суръатлар билан ошиб борган. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банк активлари аввалги йилнинг шу даври билан солиштирилганда 23,48 фоизга ошиб, 521,6 млрд. сўмга (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 422,4 млрд. сўм) етди. Шу жумладан, банкнинг кредит портфели бруттоси 2013 йилнинг шу даври билан солиштирилганда 56,21 фоизга ошиб, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, 227,4 млрд. сўмни ёки «InFinBank» ХАТБ жами активларининг 43,61 фоизини (2013 йил IV чораги якунларига кўра – 34,47 фоиз) ташкил этди.

Кўриб чиқиладиган даврда «InFinBank» ХАТБ ликвид мавқеи мақбул даражада дея баҳоланади. 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банкнинг ликвид активлари аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 2,29 фоизга ошди ва 159,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда «InFinBank» ХАТБ жорий ликвид-

лиги коэффицентлари 2013 йил IV чораги якунларидаги 59,78 фоиздан 2014 йил IV чораги якунларига кўра 59,92 фоизгача ошди.

Кўриб чиқиладиган даврда «InFinBank» ХАТБ капитали адекватлиги кўрсаткичлари мақбул даражада дея баҳоланмоқда. 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «InFinBank» ХАТБ хусусий капитали аввалги йилнинг шу даври якунлари билан солиштирилганда 33,98 фоизга ошиб, 65,6 млрд. сўмга (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 48,9 млрд. сўм) етди. 2014 йил IV чораги якунларига кўра, умумий капитал ва I даражадаги капитал етарлиги коэффицентлари тегишинча 12,20 фоиз ва 15,0 фоизни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 13,90 фоиз ва 17,0 фоиз) ташкил этди. Шу билан бирга, «InFinBank» ХАТБнинг хусусий маблағлар билан таъминланганлиги кўрсаткичи 2014 йил IV чораги якунларига кўра, 12,58 фоизни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 11,59 фоиз) ташкил этди.

### «Asia Alliance Bank» АТБ

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банкининг рейтинг мониторинги натижалари юзасидан «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.

2014 йил якунларига кўра, банк фаолиятининг барча асосий кўрсаткичлари бўйича динамика ўсиш кузатилди. Чунончи, ўтган йили банк кредит портфели 2,2 баравар, капитали 1,5 баравар, жами даромадлари 42 фоизга ошди. Ўтган йили банк 561 млрд. сўм миқдоридан кредитлар берди, шундан 296 млрд. сўм миқдоридан қисми кичик бизнес субъектлари кредит

лойиҳаларини молиялаш учун берилди. Йил охирига келиб банкнинг кредит портфели 445 млрд. сўм миқдоридан шаклланди, портфелнинг тўртдан уч қисмидан ортиги саноат, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси корхоналарига берилган кредитлар улушига тўғри келади.

Банк барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида, шу жумладан, банкнинг қарз

қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига банк капиталлашувини мустаҳкамлаш ва унинг муддатли ресурс базасини кенгайтиришга доир фаол чора-тадбирлар амалга оширилди. 2014 йилда банкнинг хусусий капитали акцияларнинг кўшимча чиқарилишини жойлаштириш ва банк даромадларининг ўсиши ҳисобига 92 млрд. сўмдан 142 млрд. сўмгача ошди. 30 млрд. сўм миқдоридан банк депозит сертификатларининг иккинчи чиқарилиши жойлаштирилди. Натижада капитал адекватлиги ва банк ликвидлиги кўрсаткичларининг мақбул даражада бўлиши таъминланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2015 йил 4 март куни 1859-2-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 400-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раиси**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 31 январь, 2/2-сон

**Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ**

*Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2015 йил 31 январдаги 2/2-сонли  
қарорига ИЛОВА*

**Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-бандда:  
қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Сертификатлар олди-сотди, ҳада қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувида олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек, гаровда битим объекти бўлиши мумкин.»;

биринчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>. Банклар бевосита ўзлари ёки бошқа банклар томонидан жойлаштирилган сертификатлар билан таъминланган кредит ажратишга ҳақли.»

3. Қуйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«8<sup>1</sup>. Банклар томонидан сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор қилинади.»

4. 27-банддан «нотариал тартибда ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. Қуйидаги мазмундаги 31<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«31<sup>1</sup>. Сертификатларга доир шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сертификатларни чиқариш шартлари Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг, ушбу шартларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса:

сертификатларга доир шартномаларни имзолаган мансабдор шахслар;

банк ва (ёки) сертификат эгасининг жойлашган манзили; банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилмаган ҳолда номи, шу жумладан, кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига ўзгарганда, сертификатни чиқариш шартлари, сертификат бланкалари ва сертификатларни жойлаштириш жараёнида расмийлаштирилган шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш талаб этилмайди.»

6. 49-банддаги «30 календарь кунидан» деган сўзлар «ўттиз кундан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази билан келишилган.

**Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
маркази бош директори**  
2015 йил 31 январь

**Б. АТАХАНОВ**

## USTUVOR VAZIFALAR

Гамхўрлик ёшларни  
руҳлантормоқда

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий секторга ёш авлод вакиллари жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш учун кўшимча шароитлар яратилмоқда.

Давра суҳбатида ўқув муассасалари битирувчиларига танлов асосида имтиёзли кредитлар тақдим этиш улар ўз бизнес ғояларини амалга оширишнинг самарали усуллари билан бири экани қайд этилди. Айни пайтда Савдо-саноат палатаси томонидан вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказиб келинаётган танловлар голиблари янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш учун имтиёзли кредитларга эга бўлмоқда.

– Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликдаги лойиҳаларимиз ўз вақтида нати-

жа бермоқда, – дейди «Камолот» ЁИХ бош мутахассиси **Б.Мамадалиев**. – Соҳанинг битта йўналишида иш бошлаган ёшлар бугунга келиб, банклар бераётган имтиёزلардан руҳланган ҳолда янгидан-янги ғоялар устида изланишлар олиб бормоқда. Бу шундан далолатки, бугунги ёшлар фикри теран, изланувчан ва ташаббускордирлар. Ушбу ҳамкорликдаги тадбирлар билан уларни вақтида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоиз, «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳаси доирасида 2014 йилда бир неча юзлаб ёшлар учун «Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш», «Бозорни ўрганиш ва сегментлаш», «Тижорат банкларининг кредит сиёсати», «Имтиёзли кредитлар, кредит таъминоти, фоиз муддатлари», «Тадбиркорлик психологияси», «Тақдимот қилиш маҳорати» мавзуларида семинарлар ташкил этилди. Бизнес лойиҳалари истиқболли деб топилган 1 минг 23 нафар ёшга тижорат банклари томонидан умумий қиймати 11,8 млрд. сўмга яқин имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

«Менинг бизнес ғоям» танлови бўйича эса ғоялари истиқболли деб топилган 100 дан ортиқ иштирокчи умумий қиймати 1,5 млрд. сўмлик банк кредитини олиш учун сертификат соҳиблари бўлди. Ёш авлод вакиллари рағбатлантириш мақсадида «Ёш тадбиркор», «Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи», «Бир тад-

биркор – уч ҳамкор» танловлари ҳам ташкил этилди.

– Республикаимизда ёшларга оид ислохотларнинг олиб борилиши, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга банк-молия муассасаларининг ёш авлодига ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши мен каби тенгдошларимнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қулай шароит яратмоқда, – дейди «Зиё Глобус» хусусий корхонаси раҳбари **Б.Зокиров**. – Хусусан, мен мана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, бошланғич сармояни банк кредитлари асосида шакллантирган ҳолда ўзбек тилида жўғрофик глобуслар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. 2014 йили «Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи» танловида иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўлдим. Лойиҳам мақсади корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, янги ускуналар харид қилиш, ўқув муассасалари учун янги кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Давра суҳбатида ҳамкор ташкилотлар ёшларга оид ҳамкорлик лойиҳаларини шу йўсинда изчил давом эттиришга келишиб олдилар. Янги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхати назорат қилиш, назорат органлари томонидан текширувлар сонини қисқартириш, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлар бериши кенгайтириш тўғрисидаги масалаларни муҳокама этдилар.

**Ширин БАЙСЕНОВА.**

## Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашдаги фаоллик

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тадбиркорлик соҳасида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнеснинг янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчилик мавқеини мустақамлаб келаётган «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Банк жамоасининг жорий йилдаги режаси эришилган ютуқларни янада мустақамлаш, бу йўлда ишонч ва кўтаринки руҳ билан олға томон дадил ҳаракатланишдан иборатдир.

– Корхонамиз бир неча йилдан буён ўсмирлар ва болалар уст кийимлари ҳамда куртчаларини ишлаб чиқариб, республикаимиздаги таълим муассасаларига етказиб бермоқда. «Асака» банк томонидан корхонамизга берилаётган кредит маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариш фаолиятимиз ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Корхонамиз тасарруфидаги маблағларга «Асака» банк сармояси қўшилиб ишимиз суръати ва сифати кескин ортди. Натижада кўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди. Унга шахримиз ёшлари, шу жумладан, 8 нафар касб-хунар коллежи битирувчисини жалб қилдик. Келгусида «Асака» банк молиявий кўмагида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

– «Асака» банк кредити ҳисобига замонавий ускуна ва хомашё сотиб олдик, қисқа муддат ичида юқори сифатли, нархи ҳам ҳамёнбоп тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, – дейди **Чироқчи ту-**



2014 йил давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 901,0 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилган бўлса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 77,3 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

«Асака» банкнинг бу соҳада амалга оширган ишлари муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, жорий йил 12-13 март кунлари пойтахтимизнинг «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида ўтказилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари «BANKEXP0 – 2015» VIII миллий кўргазмасида «Асака» банк «Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинациясида голиб деб эътироф этилгани банкнинг мазкур соҳада етакчилик қилиб келаётганидан далолат беради.

– «Асака» банк томонидан аёллар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланаётгани биз учун қўл келмоқда, – дейди **Анджон шаҳридаги «Матонат» МХИЧ раҳбари Гулнеҳра Каримова.**

манидаги «Чевар тикувчилар» МЧЖ раҳбари **Сожида Шодиева**. – Банк кредити ҳисобига кўшимча 30 та янги иш ўрни яратилиб, бунда асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили 1,5 млрд. сўмга яқин маҳсулотлар ишлаб чиқардик ва истеъмолчиларга етказдик. Бу йилги режамиз бунданга юксак натижаларга эришишдан иборат.

Мухтасар айтганда, банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Энг муҳими, банк кўмагида кўплаб юртдошларимизда тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун астойдил хизмат қилиш ўз фаолиятида фидойилик кўрсатаётган банк жамоасининг эзгу мақсадига айланган.

**Рашид МИРЗАКАРИМОВ.**

## DOLZARB SHARH

# «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низомга киритилган 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчаларга шарҳ



**Ўткир Жўраев,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки**  
**Тижорат банкларининг**  
**қимматли қоғозлари**  
**бошқармаси бошлиғи**  
**ўринбосари.**

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида депозит сертификати – банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат туганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз сифатида таърифланган.

Республикада тижорат банклари томонидан депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ҳамда мазкур сертификатларнинг муомалада бўлиш тартиби «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) мувофиқ белгилаб берилган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари асосида ишлаб чиқилган.

Депозит (омонат) сертификатларининг ўзига хос хусусияти ва афзаллиги ҳақида қисқача фикр юритадиган бўлсак, шуни айтиб ўтиш жоизки, сертификат эгасида омонат суммасини олишга сертификатда белгиланган муддатдан аввал зарурият туғилса, у ҳолда сертификат бланкасидаги уни бошқа шахсга ўтказиш ёзуви (цессия)ни расмийлаштириш орқали омонат суммаси ва сертификатда шартлашилган фоизларга эга бўлиш мумкин.

Маълумки, қимматли қоғозлар:

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 58-моддаси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 31-моддаси ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жа-

миятлар тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ хўжалик ширкати ёки жамиятининг устав фондига (устав капиталига) қўшилаётган ҳиссалар бўлиши;

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 269-моддаси, «Гаров тўғрисида»ги Қонуни 45-моддаси ва «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонуни 17-моддасига мувофиқ гаровда битим объекти бўлиши юзасидан умумий нормалар мавжуд.

Мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумати томонидан хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес соҳасида бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида қўлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Хусусан, рухсат беришнинг нотариал тартибда расмийлаштирилишини бекор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалдаги Низомга мувофиқ, омонат сертификати талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (цессия) жараёнини расмийлаштиришда тузатишлар киритиш нотариал тартибда амалга оширилиши юзасидан талаб мавжуд бўлиб, мазкур талабнинг бекор қилиниши омонатчилар ва инвесторларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлайди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлда 176-сонли

қарори билан тасдиқланган Низомда қимматли қоғозларга оид зарурий маълумотларни ошкор қилиш тартиби белгиланган.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши сертификатлар билан боғлиқ маълумотларнинг ошкор этилиши юзасидан амалдаги Низомга зарурий қўшимчалар киритишни талаб этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда амалга киритилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида акциядорлик жамиятлари шакллари назарда тутилмаган, яъни акциядорлик жамиятлари «очиқ» ёки «ёпиқ» турда фаолият кўрсатиши белгиланмаган. Шунга қўра, тижорат банклари уставига ўзгартиришлар киритилиб, улар номидаги «очиқ» ва «ёпиқ» сўзлари чиқариб ташланди ва қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқлаштирилди.

Уставига ўзгартиришлар киритилган мазкур банклар томонидан ҳозирги вақтда катта ҳажмдаги депозит (омонат) сертификатлари

мансабдор шахслари каби маълумотлар ўзгаришига боғлиқ ҳолатларни келтириш мумкин.

Юқоридаги қонунчилик нормаларини амалга татбиқ этиш, уларга аниқлик киритиш ва сертификатлар муомаласини такомиллаштириш мақсадида амалдаги Низомга (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қимматли қоғозлар бозори бўйича ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази билан келишилди.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 31 январдаги 2/2-сонли қарори билан тасдиқланди ва Адлия вазирилигида 2015 йил 4 мартда 1859-2-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги

**«Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, Низомнинг 5-бандига сертификатлар олди-сотди, ҳада қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувида олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек, гаровда битим объекти бўлиши мумкинлиги мазмунидаги хатбоши билан тўлдирилди.**

муомалага чиқарилган бўлиб, баъзи сертификатлар бўйича омонат суммасини тўлаб бериш муддати етиб келмаган. Айрим банкларда эса аҳоли ёки хўжалик субъектлари ўртасида ҳали жойлаштирилмаган сертификатлар бланкалари мавжуд. Шунингдек, амалиётда банк ёки омонатчиларнинг жойлашган жойи ва манзилнинг ўзгариш ҳолатлари учраб туради.

Бу ўз навбатида, тижорат банклари ва омонатчилар ўртасида депозит (омонат) сертификатлари бўйича тузилган шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳамда сертификатлар бланкаларига ўзгартиришлар киритишга доир савол ва сўровлари юзга келишига сабаб бўлмоқда. Бунга мисол тариқасида банк ва омонатчига оид – банк ва сертификат эгасининг номи, уларнинг жойлашган манзили ҳамда сертификатлар олди-сотди битимларини имзолаган

ланиш ҳуқуқини беради.

Низомнинг 27-бандидан «нотариал тартибда ёки» деган сўзлари чиқариб ташланди. Мазкур ўзгартириш омонат сертификатини бошқа шахсга ўтказиш (цессия) жараёнининг соддалаштирилган тартибини белгилайди ва цессияни расмийлаштиришдаги тузатишларни сертификатни берган банкда амалга ошириш имкониятини яратади.

Шунингдек, Низомга:

– банклар бевосита ўзлари ёки бошқа банклар томонидан жойлаштирилган сертификатлар билан таъминланган кредит ажратишга ҳақлиги юзасидан **янги 5<sup>1</sup>-банд**;

– банклар томонидан сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйилган талаблар тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ ошкор қилиниши юзасидан **янги 8<sup>1</sup>-банд**;

– сертификатларни чиқариш шартлари Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг, ушбу шартларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса:

• сертификатларга доир шартномаларни имзолаган мансабдор шахслар;

• банк ва (ёки) сертификат эгасининг жойлашган манзили;

• банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилмаган ҳолда номи, шу жумладан, кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига ўзгарганда, сертификатни чиқариш шартлари, сертификат бланкалари ва сертификатларни жойлаштириш жараёнида расмийлаштирилган шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш талаб этилмаслиги юзасидан **янги 31<sup>1</sup>-бандлар** киритилди.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар сертификат эгаларига исталган банкдан кредит олишда ўзларига тегишли сертификатлардан таъминот сифатида фойдаланиш имкониятини яратади. Шунингдек, сертификатлар бўйича банк ва омонатчи ўртасидаги тузилган шартномалар, келишув муносабатлари ва сертификатлар эгасининг алмашувида олиб келадиган битимлар соддалашувини таъминлаб, сертификатлар муомаласининг такомиллашувида хизмат қилади.

## BANK VA TADBIRKOR

## Барқарор банк тизими — қулай ишбилармонлик муҳитининг мустаҳкам асоси

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилишга зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунда соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, бизнесни ташкил этиш ва уни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш ислохотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган «Бизнесни юритиш 2015: самарадорлик доирасидан чиқиб» (Doing Business 2015: Going Beyond Efficiency) номли навбатдаги йиллик маърузасига кўра, Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 та давлати орасида охириги бир йил мобайнида 8 поғона кўтарилиб, 141-ўринни эгаллади.

Бу мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш, ишбилармонларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш борасида олиб борилаётган кенг қўллаб-қувватлаш ислохотларнинг амалий тасдиғидир. Зеро, тадбиркорлик ҳаракати учун берилаётган қўшимча имтиёз ва преференциялар унинг иқтисодий тизимизда тутган мавқеи тобора мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда тизимда қабул қилинган қонун ҳужжатларига кўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш, бизнесни тугатиш жараёни сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсатномалар бериш, электр тармоқларига уланишда «бир дарча» тамойилини оммавий жорий этиш

бўйича ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ тизими текшириши, уларга нисбатан ҳар қандай ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилиб, текширишлар сони тубдан камайтирилди. Барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий қилинди, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун айбдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди.

Албатта, буларнинг барчаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг тараққий этти-



ришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг юксак самарасидир. Президентимиз томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш-

га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор бу борадаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Мазкур Фармонда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини



таъминлаш мақсадида «2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш га оид қўшимча чора-тадбирлар Дастури» тасдиқланди.

Ушбу дастур ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон банк тизими зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилиб, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши Марказий банк томонидан доимий назоратга олиниб, белгиланган муддатда барча зарурий чора-тадбирлар кўриломоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, мамлакатимизда инфляция даражасининг 2014 йилги прогноз кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томони-

дан 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга тушириш бўйича қарор қабул қилинди.

Қайта молиялаш ставкасининг туширилиши банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайишига асос яратади ва иқтисодиётнинг реал секторидagi инвестицион фаоллик ошишига олиб келади. Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жи-



ҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга ажратиладиган тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкалари пасаяди ва кредитлар ҳажми ўсади.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши ва уларга яратиб берилаётган шароитларни эътиборга олган ҳолда Марказий банк томонидан «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш» Тартиби (рўйхат рақами 907, 2000 йил 7 март) белгиланган тартиб-таомиллар қайта кўриб чиқилди ва «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

## Молиявий кўмак — тадбиркор учун кенг йўл

Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити соҳа вакиллари ишига унум бағишлаётгани натижасида аҳоли фаровонлиги юксалмоқда.

Иқтисодиётнинг тараққий этишига самарали таъсир кўрсатаётган бу жараёнларда банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотлар муҳим роль ўйнамоқда.

Айниқса, тижорат банклари томонидан аҳолига замонавий банк хизматлари кўрсатилиб, улар қўлидаги бўш пул маблағларини банкларга жалб этишда замонавий усуллар жорий этилаётгани тадбиркор ва фермерлар учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этаётир. Хусусан, банкнинг Тошкент вилояти бошқармаси ва

унинг туман ва шаҳар филиаллари томонидан олиб борилаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Мазкур бошқарма ўтган йил давомида вилоят иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, аёллар ҳамда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 63 млрд. сўмдан зиёдроқ маблағ йўналтирди. Натижада жойларда замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тадбиркорлик субъектлари иш бошлади ва минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

— Биз ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб улғайишимиз учун юртимизда алоҳида эътибор ва кўмак берилаётганини кўриб, бу эътибордан қувват олаёلمиз. Бунда банк-молия муассасаларининг ҳам муносиб ўрни бор, — дейди Янгийўл хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси, яқка тартибдаги тадбиркор Ирода Абдукаримова. — Банк мутахассислари касб-ҳунар коллежларида ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, бунинг учун бизнес лойиҳалар тузиш йўл-йўриқлари, уни амалиётга татбиқ этиш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида доимий тарзда давра суҳбатлари ўтказмоқда. Бу эса тадбир-

корликка қизиққан ёшлар учун айна муддао бўляпти. Чунки банкдан олинган кредит маблағдан аниқ режа асосида фойдаланиш — энг муҳим масала. Ҳар бир ишбилармоннинг даромадига даромад қўшилишига асос бўлади. Мен ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиш учун «Агробанк» АТБнинг Янгийўл филиалига новвойчилик мақсадида тайёрлаган бизнес лойиҳамни тақдим этиб, 10 млн. сўм миқдорида кам фоизли кредит олдим. Мазкур маблағ эвазига аҳолига сифатли нон маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга 3 та янги иш ўрни ташкил этдим. Келажакда ўз фаолиятимни кенгайтириш учун «Агробанк» АТБ билан ҳамкорликни давом эттирмоқчиман.

— Аҳолининг сифатли тиббий хизматга талабини қондиришда тижорат банклари

томонидан ажратилаётган кредит маблағлари қўл келаетир, — дейди «Дурдона мед» МЧЖ раҳбари Дурдона Пардаева. — Ана шундай имтиёзлар туфайли мен ҳам тадбиркор бўлишга аҳд қилдим. «Агробанк» АТБнинг Ўртачирчиқ филиалига стоматология асбобларини харид қилиш мақсадида бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Банк томонидан лойиҳам ижобий баҳоланиб, 35 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада иш кўлами ошиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Қолаверса, 2 та янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлди.

«Агробанк» АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан бу каби савобли ишлар изчил олиб борилмоқда. Айни пайтда банкнинг молиявий кўмаги асосида ўз бизнесини йўлга

## BANK VA TADBIRKOR

2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Янги тартибга кичик тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратувчи бир қатор нормалар киритилди.

Жумладан, банклар томонидан ки-



чик тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдиришга 1,5 йил муддатгача кредит маблағлари ажратилиши белгиланди. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредитлар тўлаш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши бўйича норма бекор қилиниб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муддати тижорат банкининг Кенгаши томонидан тасдиқланган «Банкнинг кредит сиёсати»да акс эттирилиши йўлга қўйилди.

Янги тартибда кичик бизнес субъектларига янада қулайлик яратиш мақсадида кредитлашнинг ҳудуд билан боғлиқ чеклови бекор қилинди ҳамда тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи белгиланди.

Юқоридаги барча яратилган қулайликлар самараси ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз вақтида зарур молиявий ресурслар, айниқса, имтиёзли кредитлар билан таъминланиб, сўнгги 5 йил давомида Навоий вилоятидаги тижорат банклар томонидан кичик бизнесни кредитлаш ҳажми 1,6 баробарга ўсди.

Жумладан, вилоят тижорат банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2012 йилда 242,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 384,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, Навоий шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган «Навбахор текстиль» МЧЖ ҚК шаклидаги қўшма корхона энгил саноат тармоғини ривожлантириш, тўқимачилик корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва пахта хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори доирасида жами 10 млрд. 498 млн. сўмлик чет эл инвестициясини жалб қилиш эвазига ташкил этилди.

– Йилига 5 минг 400 тонна пахта қайта ишлаш қувватига эга корхонада 200 нафар аҳоли иш билан таъминланди. 2014 йилнинг сўнгги уч ойида корхонада жами 7,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 2,4 млн. АҚШ долларлик маҳсулотни экспортга йўналтирдик, – дейди **корхона раҳбари Шерзод Жумаев**.

Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун қатор имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар белгилаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Бу борада Навоий вилояти тижорат банклари ўзларининг иқтисодий-ижти-

мой вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу давлат сиёсатини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг бизнес ғояларини кредитлаш орқали ёшларга кўмак бериб келмоқда.

Ўтган беш йил давомида Навоий вилоятидаги тижорат банклар томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун жами 27,0 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 2012 йилга нисбатан бу борадаги кредитлаш ҳажми 3 баробарга ошди. Натижада жойларда коллеж битирувчилари иш билан таъминланиб, касб-хунарларини амалда пухта эгаллашлари учун шартшароит ҳозирланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни тобора ошиб, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда. Уларнинг ўз салоҳиятини



намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, айниқса, қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлаш борасида банкларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларига, ай-

ниқса, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларнинг банклардан микрокредитлар олишида ҳар томонлама қулайлик ва шартшароитлар яратиш лозимлиги ўқтирилган эди.

Мазкур Фармон ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк ва тижорат банклар томонидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг турли шакллари ривожлантириш, уларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Хусусан, биргина 2014 йилда тижорат банклар томонидан тадбиркор аёлларга 35,0 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 1,9 баробар кўпдир. Бу маблағлар билан асосан аёллар меҳнатидан фойдаланадиган ва улар бошқарадиган кичик корхоналар, деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш ва сотиш тармоқларини кенгайтириш, уларга айланма маблағларини тўлдириш, чорва моллари ва сутни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар харид қилиш, умуман, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар молиялаштирилди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, юқорида санаб ўтилган тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва истиқболда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Нуриддин ХАЙДАРОВ,**  
**Муроджон ОСТОНОВ,**  
**Марказий банкнинг Навоий вилояти Бош бошқармаси тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш бўлими.**

қўйган тадбиркорлар кўпчилигини ташкил этади. Шулардан бири Паркент агросаноат касб-хунар коллежи битирувчиси Нозима Орифжоновадир. У тикув цехини ташкил этиш учун тикув машиналари харид қилишни назарда тутувчи бизнес лойиҳасини Паркент филиалига тақдим этди. Банк филиали унга 5 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Ушбу маблағ асосида ёш тадбиркор ўз бизнесини бошлаб, 5 та янги иш ўрни яратди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, жамият тараққиётига имкон даражасида ҳисса қўшишни ният қилган тадбиркорлар «Агробанк» АТБ томонидан ҳар доим қўллаб-қувватланаётгани ишбилармонлар, хусусан, бизнес оламига илк қадамларини ташлаётган ёшлар учун ҳам муҳим омил бўлмоқда.

«Туркистон-пресс»  
НАА.

## Термиз чиннилари экспорт қилинади

Термиз шаҳрида замонавий жиҳозланган чинни буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ушбу тармоқни янада тараққий эттириш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолини арзон ва сифатли халқ истеъмоли моллари билан узлуксиз таъминлашда юксак самаралар бераётир. Яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар молия институтларининг имтиёзли кредит маблағлари эвазига хориж технологияси асосида замонавий ишлаб чи-



қариш корхоналари барпо этмоқда.

Ушбу «Surxon Termiz Chinni» корхонасини бунёд этиш учун «Алоқабанк» Сурхондарё филиалининг 7 млрд. 400 млн. сўм кредит маблағидан фойдаланилди.

– Хорижникидан қолишмайдиغان маҳсулотларимиз арзонлиги ва сифати билан

харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда, – дейди «**Surxon Termiz Chinni**» корхонаси ижрочи директори **Р.Неъматуллаев**. – Чинни буюмларимизга ҳозирданок бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда. Келгусида маҳсулотнинг бир қисмини хорижга экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз.

Корхона йилига 8 млн. донагача сифатли, арзон чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни пайтда 150 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилиб, 14 турдаги харидоргир, бежирим маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Уларнинг 88 нафари аёллар, 52 нафари коллеж битирувчиларидир.

– Ўтган йили Термиз санъат коллежини тугатган эдим, – дейди **М.Мажидова**. – Ўз мутахассислигим бўйича замонавий корхонада ишлаётганимдан хурсандман. Бу ерда самарали меҳнат қилиш учун барча шароит мавжуд. Цехлар ёруғ, кенг ва озода. Тайёрланаётган чинни буюмларнинг янада харидоргир бўлишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Наврўз умумхалқ байрами арафасида ишга туширилган корхонада чинни буюмлар турини янада кўпайтириш ҳисобидан юзга яқин қўшимча иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

ЎЗА.

## OBOD MANZILLAR

## Обод қишлоқ

Анджон вилояти Олтинқул туманидаги Кўмакай қишлоғи шу кунларда янада чирой очган. Наврўз байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Кўмакайда ҳам тозалаш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Кейинги йилларда қишлоқда намунавий лойиҳа асосидаги турар жойлар, замонавий инфратузилма иншоотлари, турли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилгани аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Қишлоқнинг Айшахоним, Саъдда, Кўмакай, Чўнтак ва Уйшин маҳалларида 16 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тўртта умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси, иккита қишлоқ врачлик пункти, шунча хусусий тиббий муассаса, ўндан ортиқ савдо дўкони, бир қанча ошхона, «Гўзаллик салони», сартарошхона, тикувчилик, косиблик, ҳаммом каби маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари хизматидан аҳоли мамнун.



– Ёшим саксондан ошди. Ҳаётда кўп нарса кўрдим, – дейди **Чўнтак маҳалласида яшовчи Машраб ота Темиров**. – Лекин, очиги, қишлоғимизда рўй бераётган бугунги ўзгаришлардан, бунёдкорлик ишларидан ақлим шошади. Рўзгорга зарур бирор нарса харид қилиш учун илгаридек туман маркази ёки шаҳарга боришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Ҳамма нарсани шу ерда, қишлоқнинг ўзида топиш мумкин.

Наврўз байрамига тайёргарлик доирасида кўчалар, гузарлар, маҳалла, меҳнат жамоалари, таълим муассасалари ҳудудлари, қабристонлар тозаланди, дарахтлар оқлаиб, шакл берилди.

– Қабристон ҳашар йўли билан ободонлаштирилди, – дейди **«Айшахоним» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳат-**

**чиси Одина Омонова**. – Қабристон ҳудудига кўплаб гул ва дарахт кўчатлари экилиб, йўлакчаларга плиталар ётқизилди, чироқлар ўрнатилди, дарвоза таъмирланди. Бу ишларга сарф-харажатлар инсонлар, тадбиркорлар яқиндан ёрдам берди.

Қишлоқда тадбиркорлик ва ҳунармандликни ривожлантириш, айниқса, томорқадан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўплаб хонадонларда иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, шунинг ортидан аҳоли яхшигина даромад топмоқда.

– **Томорқамизнинг 8 сотихида иссиқхона ташкил этганмиз, – дейди Чўнтак маҳалласидан Раҳим Буватоев**. – Бу ерда помидор кўчати етиштириб сотамиз. Сўнг кузги бодринг экилади.

Шу тариқа ердан йил давомида унумли фойдаланиб, ҳам оиламиз яхшигина даромад олади, ҳам одамларга қулайлик яратамиз. Янги уйлар куриб, тўйлар қиляпмиз, машина миняпмиз. Истиқлол бизга мана шундай эмин-эркин ишлаш, тўқфаровон яшаш имконини берди. Собиқ тузум даврида бундай имкониятларни ҳаёлимизга ҳам келтира олмадик эдик.

Қаҳҳор Акбаровлар оиласи тўрт сотихли иссиқхонада турли-туман гул кўчатлари етиштиради. Ушбу хонадонда бўлган киши инсон қўли гул, у истаса мўъжиза яратишга қодир, деган ҳикматга ўз кўзи билан гувоҳ бўлади. Бу ерда нафақат юртимиз, балки Хитой, Ҳиндистон, Россия мамлакатлари, ҳатто узоқ Америка ва Европа қитъаларидан келтирилган беш юздан зиёд турдаги гул кўчатлари кўпайтирилмоқда. Киви, апель-

син, мандарин каби тропик мевалардан ҳам мўл ҳосил олинаётганини кўриб, гулчилар оиласининг тадбиркорлигига тасаннолар айтасиз.

Кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин паллага кирган шу кунларда чиннигул, атиргул, гулисафсар сингари гул кўчатлари харидорларга етказиб берилмоқда. Оила бекаси Замира Акбарова йиғирмага яқин қишлоқ аёлига гул кўчати етиштириш ва кўпайтириш сирларини ўргатмоқда.

– **Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароит ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ҳунармандлик, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хонадонлар ҳам кўпчиликни ташкил этади, – дейди «Кўмакай» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ортиқали Азизов**. – Улар турли йўналишларда фаолият юритиб, ҳам оиласи, ҳам эл-юртга наф келтирмоқда. Шунинг ортидан аҳолининг турмуш фаровонлиги йил сайин юксалиб бормоқда. Масалан, ўн-ўн беш йил аввал қишлоғимизда нари борса юзта енгил машина бўларди. Бугун уларнинг сони бир минг беш юздан ошиб кетди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида ўтган йиллар давомида Кўмакай ва Чўнтак маҳаллаларида 145 намунали уй-жой барпо этилди.

– Янги уйга кўчиб ўтганимизга кўп бўлгани йўқ, – дейди **Чўнтак маҳалласидан Арофат Раҳимова**. – Авваллари маҳалламиздаги аксарият уйлар пасткам, кўримсиз бўлиб, алоҳида ошхона, ҳаммом деган қулайликлар бўлмаган. Шаҳардаги каби шароитларда яшашни фақат орзу қилардик. Мана, энди биз ҳам қишлоқда бўлса-да, барча қулайликларга эга, чиройли ва кўркем уйларда яшаймиз. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиздан миннатдоримиз.

Бугун қишлоқ аҳли мана шундай кўтаринки кайфият, улугвор ишларга камарбасталик, озод ва обод Ватандан ифтихор туйғуси билан яшамоқда.

## Ёш оилаларга «Камолот» уйи

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида 48 ёш оиллага мўлжалланган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган кўп қаватли уйда барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўмита раиси И.Юнусов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси вази-фасини бажарувчи О.Дониёров ва бошқалар мамлакатимизда



амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Эллиққалъа тиббиёт коллежи ўқитувчиси, таэквондо бўйича икки карра Қорақалпоғистон чемпиони, Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медал соҳибдори Руслан Сиддиқов оиласига ҳам уч хонали квартиранинг калити топширилди.

– Наврўз байрамини янги уйда кутиб олаётганимиздан жуда хурсандимиз, – дейди **Р.Сиддиқов**. – Бу ердаги шароитлардан турмуш ўртоғим Нодирахон ва қизимиз Заринахоннинг қувончини кўрсангиз эди. Ҳаётдан завқланиб яшаш деганлари шу бўлса керак-да. Биз, ёшларга шундай бахтли ҳаёт яра-

тиб бераётган давлатимиздан миннатдоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бунёд этилган «Камолот» уйи тумандаги «Тупроққалъамаҳсукурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилди.

– Бу ерда 3 млрд. 800 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, – дейди **жамият раҳбари О.Мерешов**. – Ҳар бир хонадонда замонавий иситиш тизими ўрнатилди. Иссиқ ва совуқ сув, канализация тармоқлари билан таъминланди.

– «Камолот» уйи ёшлар учун ажойиб байрам тўғриси бўлди, – дейди **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Ж.Болтаев**. – Ёш оилалар учун яратилаётган бундай шароитлар жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган ва юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

## Малакали ва билимли кадрлар — юрт иқболи

Тошкент молия институти ва Банк-молия академияси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда молия-кредит йўналишлари бўйича иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Банк-молия академияси ходимлари, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчилари, молия-кредит ва педагогика соҳаси мутахассислари, илмий-ходим изланувчилар ҳамда магистрлар иштирок этди.

Тошкент молия институти проректори Н.Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимиз банк-молия муассасаларида инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш, иқтисод йўналишида таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига янги педагогик технологиялар асосида дарс бериш, уларнинг салоҳиятини янада ошириш мақсадида иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда мамлакатимиз таълим тизимининг касб-ҳунар коллежлари учун иқтисодчи-педагогларни тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари, таълим технологияларини такомиллаштириш, модул тизимини жорий этишнинг долзарб масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия ва банк иши йўналишидаги иқтисодчи-педагогларга қўйилаётган талаблар бўйича катор илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.



STATISTIKA

«Тошкент» РФБ биржа айланмасининг кўрсаткичлари тўғрисида маълумот


Биржа савдоларининг ҳажми 2011-2015 йилларнинг февраль ойида, млрд. сўмда



«Тошкент» РФБ биржа айланмасининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2014 йил февраль	2015 йил февраль
Қимматли қозғалари билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони	25	25
Битимлар сони, донада	46	104
Қимматли қозғалар сони, млн. донада	2,8	41,1
Битимлар миқдори, млрд. сўмда	4,5	18,7


Биржа айланмасининг динамикаси, сўнгги 12 ой давомида, млрд. сўмда



Биржа савдолари натижалари бўйича инвесторлар ҳақида маълумот 2015 йилнинг февраль ойида

	Битимлар сони, донада	Битимлар миқдори, млн. сўмда
<b>Жисмоний шахслар</b>		
Мурожаатлар	64	811,4
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	11	28,2
Хусусийлаштириш	0	0
<b>Жами</b>	<b>75</b>	<b>839,6</b>
<b>Юридик шахслар</b>		
Мурожаатлар	24	14543,8
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	5	3199
Хусусийлаштириш	0	0
<b>Жами</b>	<b>29</b>	<b>17825,1</b>
<b>Жисмоний шахсларнинг умумий ҳажмдаги улуши</b>	<b>72,1 фоиз</b>	<b>4,5 фоиз</b>
<b>Юридик шахсларнинг умумий ҳажмдаги улуши</b>	<b>27,9 фоиз</b>	<b>95,5 фоиз</b>

Юридик ва жисмоний шахсларнинг битимлар сони ва умумий ҳажмидаги нисбати (2015 йилнинг февраль ойи учун, ички айлана – битимлар сони, ташқи айлана – битимлар ҳажми, якунига кўра фоизда)




Қимматли қозғалар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2015 йилнинг февраль ойида (якунига кўра фоизда)



Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2015 йилнинг февраль ойи учун (якунига кўра фоизда)

	умумий ҳажмига нисбатан фоизда
бошқа юридик шахслар	68,3
лизинг компаниялари	1,5
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари	4,7
банклар	0,8
суғурта компаниялари	21,7
жисмоний шахслар	4,5

Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2015 йилнинг январь-февраль ойи учун




Биржа савдоларида иштирок этувчи брокерлик идоралари рейтинг, 2015 йилнинг февраль ойида

	Битимлар сони, донада	Битимлар умумий миқдори, млн. сўмда
«FULL STOCK GROUP» МЧЖ	15	14 417,9
«Portfolio Investments» МЧЖ	11	12 623,8
«ТашИнвестКом» МЧЖ	27	4 122,8
«Alp omad invest» МЧЖ	19	3 391,8
«Ҳамкорбанк» АТБ	51	1 309,9
«TAT REESTR» МЧЖ	19	680,6
«Universal Depozit» МЧЖ	3	513,3
«Agro depo invest» компанияси ШХТ	6	85,1
«Birinci Banklararo Depozitariy» МЧЖ	2	64,8
«Dalal Standard» МЧЖ	12	39,3

Листинг компанияларининг «Тошкент» РФБ биржа айланмасидаги улуши 2011-2015 йилларнинг февраль ойи учун (умумий айланмага кўра фоизда)




Тармоқлар кесимида листинг компаниялари айланмасининг таркиби 2015 йилнинг февраль ойи учун (якунига кўра фоизда)



Энг юқори савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги, 2015 йилнинг январь-февраль ойида

Эмитент номи	Ҳажми, млрд. сўмда
«Ипотека-банк» АТИБ	20
«InFinBank» ХАТБ	6,2
«Алоқабанк» АТБ	3,5
«Капиталбанк» АТБ	2,6
«Ҳамкорбанк» АТБ	0,7
«Капитал суғурта» СК	0,5
«Карбонат» АЖ	0,5
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	0,3
«Qizilqumsement» АЖ	0,2
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	0,1

Қимматли қозғалар биржа бозорининг таркиби 2011-2015 йилларнинг январь-февраль ойлари учун



Биржа айланмасининг динамикаси, 2011-2015 йилларнинг февраль ойи учун, млрд. сўмда

Йил	Ҳажми, млрд. сўмда
2011 йил	55,2
2012 йил	5,2
2013 йил	9,1
2014 йил	11,1
2015 йил	34,8

## BIZNES JARAYONLAR

## Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истиқболлари

Жумладан, иқтисодий давлатнинг иштирокини стратегик ва иқтисодий асосланган ўлчамларга қисқартириш, корпоратив бошқарув тизимида тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, хусусий мулкдорлик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, уларга тўлиқ эркинлик бериш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг ҳаёти даражаси ва сифати ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари фонд бозорида акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятдан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, 2015 йил 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда корпоратив бошқарув соҳасида муҳим ҳужжат бўлган бу қонун ҳалигача тўлиқ ишлагани йўқлиги, амалиётда акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаётгани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз эришилган ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутаётган бир қатор вазифалар юзасидан таҳлилий фикрлар билдирди.

лиги, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмаётганлиги ҳақидаги фикрларини баён қилди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4609-сонли Фармонида мувофиқ, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 2 июлда «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 176-сонли қарор қабул қилинди.

Шу ўринда, корпоратив бошқарув тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, самарали бошқарув усуллари хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Корпорация сўзи лотинча сўз бўлиб, (corporation) «уюшма» ёки «бирлашма» деган маънони билдиради. Корпоратив бошқарув бу – мулкдорлар орасидаги уюшиш асосида ташкил этилган корхоналар раҳбари ва

бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганишдан иборатдир.

Акциядорлик жамиятларини муваффақиятли бошқариш учун жамиятлар ўз стратегик мақсадларига эга бўлиши керак. Агар мақсад тўғри қўйилган бўлса унга мос равишда бошқарув масалалари, усуллари, тузилмаси, кадрларни танлаш ва бошқа жорий масалалар ижобий ҳал қилинади.

Корпоратив бошқарувда акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгаши ва бошқа бошқарув органларининг аниқ ваколатини белгилаш зарурдир. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали йўлга қўйилишида стратегик режа муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларида стратегик режалаштириш билан жамиятнинг кузатув кенгаши шуғулланади.

Корпоратив бошқарувда, шунингдек, жамиятни ривожлантиришни амалга ошириш асосий масала ҳисобланади. Жамиятнинг стратегик режасини тузишда фойда балансини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларида корпоратив

бошқарувнинг турли усуллари қўлланилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- корпоратив бошқарувнинг иқтисодий усуллари;
- корпоратив бошқарувнинг ташкилий (тузилмавий) усуллари;
- корпоратив бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари;
- корпоратив бошқарувнинг стратегик ва тактик усуллари;
- корпоратив бошқарувнинг тарбиявий усуллари.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларини муваффақиятли бошқариш учун кўп ҳолатларда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий усуллари қўлланилмоқда. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий усули деганда жамият олдига қўйилган мақсадларни бошқарув органлари ва ижрочи директор (раис) ёрдамида иқтисодий воситалар (нарс, режа, кредит фоизи, солиқ ва бошқалар) асосида бошқаришни тушунамик.

Акциядорлик жамиятида бошқаришнинг ижтимоий-психологик усуллари қўлланилганда ташкилотда соғлом ижтимоий-руҳий муҳит яратилишига хизмат қилади.

Бошқаришнинг бирор-

бир усули қўлланилганда мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиб маҳсулот таннархини арзонлаштириш, унинг сифатини ошириш орқали фойдани максималлаштиришга асосий эътибор қаратилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун бошқарув органлари ва акциядорлик жамиятининг ҳар бир аъзоси иқтисодий ресурслардан тўғри фойдаланиши, ўз харажатларини ўзи қоплаши, ўзини ўзи пул маблағи билан таъминлаши ва бошқариш қоидаларига амал қилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг бирор-бир усули қўлланилаётганда акциядорларнинг эҳтиёжлари, манфаатдорлиги ҳисобга олиниши лозим. Корпоратив бошқарувнинг бирор-бир усулидан фойдаланилганда жамият манфаатлари, жамоа манфаати ва акциядор манфаати уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлаш юқори самарадорликка олиб келади. Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий усуллари қўлланилганда жамият жойлашган ҳудудда ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таъминланади.

**Ғолиб ТУРСУНОВ,**  
**«Тошкент» РФБнинг**  
**Биржа битимлари**  
**иштирокчиларини**  
**назорат қилиш**  
**бўлими бошлиғи.**

### 101 оғоҳлантиради!

## Эҳтиёткорлик — устувор вазифа

Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлиб, бунинг сабаблари асосан оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, носоз электр ва газ жиҳозларидан фойдаланиш, болалар қаровсиз қолиб, ўт билан ўйнаши кабилардир.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда текширувлар ўтказиб келинмоқда.

Аҳоли турар жой бинолари, хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш орқали мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ қарашга, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.


Газ ва электр энегиясидан нотўғри фойдаланиш, хонадонларда газ плиталарни газ қувурига резина шланглар орқали улаш, газ ва электр тармоқларидан ҳисоблагичларсиз, ноқонуний тарзда, ўзбошимчалик билан улаб фойдаланиш каби ҳолатлар ёнғин чиқишига олиб келади.

Таъкидлаш ўринлики, аҳоли турар жой биноларининг олдида автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўللарни сунъий тўсиқлар билан беркитиб қўйиш ёнғин содир бўлганда уни бартараф этишга қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш қўл келади.

**Ш. ИСЛАМОВ, Юнусобод тумани**  
**ИИБ ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант.**

## Андижонда ЎзРТХБнинг янги биноси фойдаланишга топширилди

Андижон шаҳрида Республика товар-хомашё биржаси (ЎзРТХБ) Андижон филиалининг қайта таъмирланган биносининг таътанали очилиш маросими ўтказилди.



Тадбирда таъкидлаб ўтилгандек, ЎзРТХБнинг устувор вазифаларидан бири биржанинг барча савдо иштирокчилари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун, уларнинг ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида биржа инфратузилмаларини ривожлантириш

ва модернизация қилишдан иборатдир.

Бугунги кунда Республика товар-хомашё биржаси 13 та вилоят филиаллари ҳамда республикамизнинг туман ва шаҳарларида жойлашган 130 дан зиёд савдо майдончаларига эгадир.

ЎзРТХБнинг 2014 йилда Андижон филиалининг барча савдо платформаларида амалга оширилган сотувларнинг умумий ҳажми 233,2 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 2013 йилга нисбатан 18,3 фоизга кўпдир. Таъкидлаш лозимки, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзимизда ишлаб чиқарилиб, биржа орқали сотилган маҳсулотларнинг ҳажми икки баробарга ўсиб, 117,2 млрд. сўмни ташкил этди.

«Туркистон-пресс» НАА.

## DUNYOGA NIGOH



## Хамкорликда ҳикмат кўп

Халқаро валюта фонди (ХВФ) Хитой ташаббуси билан ташкил этилаётган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки («Asian Infrastructure Investment Bank» АИВ) билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёр. Бу «Хитой тараққиёти» иқтисодий форумида ХВФ директор-тақсимотчиси Кристин Лагард томонидан ҳам таъкидлаб ўтилди.

– Биз Хитой ташаббуси билан Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ташкил этилишини мамнуният билан қарши оламиз ва Хитойда бу каби кўп қиррали молиявий институт очилиши учун етарлича омиллар мавжуд, деган фикрдамыз, – деди у. – ХВФ ҳам инфратузилмавий объектлар қурилиши учун маблағ йўналтиришини хоҳлардик, бироқ ХВФнинг вазибалари буткул бошқа. Шу боис, биз АИВ билан ҳамкорлик ўрнатишни жуда ҳам истаймиз.

АИВга 2014 йилда Хитой ташаббуси билан асос солинган. Банкнинг мақсади – Осиё-Тинч океани ҳудудидаги (ОТОХ) инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. Банкнинг устав капитали 100 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Банкнинг ташкил этилишига оид келишувга 27 мамлакат розилик билдириб, улардан 20 га яқини ОТОХ мамлакатларидир. Сўнгги икки ҳафтада ушбу тузилма таркибига аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар орасида Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Швейцария ва Люксембург сингари ривожланган мамлакатлар ҳам бор.

Аксарият таҳлилчиларнинг фикрича, АИВ АҚШ ва Япония етакчилиги қўлдан бой бермаётган ташкилотлар – ХВФ ва Жаҳон банки сингари институтларнинг истиқболдаги рақобатчисига айланади. Ушбу фикрга муноса-




бат билдириши сўралган Лагард мазкур тузилмалар ва янги банк ўртасида рақобат эмас, ҳамкорлик майдони шаклланишини маълум қилди.

– Жаҳон банки номидан жавоб беролмайман, бироқ эштишимга қараганда, Жаҳон банки ҳам АИВ билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори, – деди Лагард. – Дунёнинг турли қисмида, айниқса, Осиё ҳудудида кўплаб инфратузилмавий объектлар барпо этиш зарурати сезилмоқда, шу боис орамизда рақобат эмас, ҳамкорлик майдони шаклланишига ишонаман.

## «Deutsche Bank» чакана банк хизматидан воз кечмоқчи

Германиянинг йирик банки – «Deutsche Bank» ўз активларини қайта структуризациялаш ва тегишли бўлинмасига чакана бизнесни ўтказишни режалаштирмоқда.



Reuters агентлигининг маълум қилишича, яқинда Франкфуртда банк Кузатув кенгашининг 14 соат давом этган йиғилиши бўлиб ўтган. Муҳокама-лар чоғида ушбу молиявий-кредит ташкилотини қайта структуризациялаш бўйича бир неча хил таклиф ўртага ташланган.

– Ҳар қандай вазиятда ҳам чакана банк хизматларини кўрсатадиган бўлинмалар иқтисодий синовларга дуч келади, – дейди «Deutsche Bank» вакили Reuters мухбирига.

Кузатув кенгаши чакана бизнесни тегишли бўлинмага ўтказишга оид таклифни юқори баҳолади. Хусусан, тез фурсатларда алоҳида биржа листингини қўлга киритиши кутилаётган «Postbank»га ўтказиш ниятида. «Deutsche Bank» аввал тасдиқланган «универсаллик» стратегиясидан воз кечишни белгилаган. Яъни, шу пайтга қадар мазкур молия-кредит ташкилоти барча микёсдаги банк хизматларини кўрсатишга, жумладан, Токиода деривативларни сотишдан тортиб Мюнхенда ипотека кредитини ажратишга интиларди.

## «Sabadell» TSBни харид қилмоқчи

Испаниянинг «Banco de Sabadell» банки Буюк Британиянинг TSB Banking Group молиявий гуруҳини 1,7 млрд. фунт стерлинг (2,54 млрд. АҚШ доллари)га сотиб олиши ҳақида эълон қилди.

Мазкур битим ўтган ҳафтада, икки молия-кредит ташкилоти вакиллари-нинг учрашувлари ҳақидаги янгиликдан сўнг маълум бўлганди. Битим ёрдамида «Sabadell» халқаро бозордаги ўз ўрнини мустаҳкамлашга ҳамда молия-кредит хизматини кўрсатиш бўйича миллий бозорда тушган талабнинг ўрнини қоплашга эришмоқчи.



## Ўспирин фикри инобатга олинди

Уолсоллик 15 ёшли мактаб ўқувчиси Девид Прис 1 фунт стерлинг номиналидаги янги танганинг дизайнини яратиш бўйича ўтказилган танловнинг ғолибига айланди. Ушбу маълумотни Буюк Британия молия вазири Жорж Осборн ижтимоий тармоқдаги саҳифасига киритган.

Прис танганинг иккинчи томони учун яратилган энг яхши дизайн танловиди ютиб чиққан. Ҳакамлар ҳайъати унинг оддий, аммо чиройли таклифини маъқуллашди. Девид танганинг иккинчи томонидан Бирлашган Қироллик қисмларининг тимсоллари ҳисобланмиш тўртта ўсимликнинг тасвири ўрин олиши лозимлигини айтганди.

2017 йилдан бошлаб 1 фунт номиналидаги янги танга муомалага киритилиши кутилмоқда. У икки ранг-

да, контур қисми тилла рангида, маркази эса қумуш рангида бўлиши белгиланган. Янги танга аввалги авлод тангаларидан 12 та қирралари билан ҳам фарқланади. Танганинг бугунги шакли доирасимон бўлиб, уни қалбакилаштириш кўп қийинчилик туғдирмасди ва шу сабабли янги шакл ҳамда кўринишдаги тангани жорий этишга қарор қилинган. Танга икки хил рангда бўлиши унинг ясаилиши жараёнини мураккаблаштиради, деб ҳисобланмоқда.

## ФЗТ фикрини ўзгартирди

Федерал захира тизими (ФЗТ) АҚШнинг жорий йилдаги иқтисодий ўсишига оид баҳоратини ўзгартирди, яъни аввал тахмин қилинган 2,6-3 фоиз ўрнига 2,3-2,7 фоиз бўлишини маълум қилди.

2015 йил учун инфляция даражаси баҳорати 1-1,6 фоиз ўрнига 0,6-0,8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Ишсизлик даражаси 5-5,2 фоиздан иборат бўлиши тахмин қилинмоқда. Ундан аввал эса ушбу кўрсаткич 5,2-5,3 фоизни ташкил қилиши баҳорат қилинган эди.

Қайд этилишича, АҚШнинг ЯИМ кўрсаткичи ўсиши бўйича ўтган йилги баҳорати ҳам номувофиқ келган, яъни 2,5-3 фоиздан 2,3-2,7 фоизга тушиб қолган. Ҳисобот даврида инфляция даражасининг ўсиши секинлашиши, яъни декабрдаги баҳоратдан, 1,7-2 фоиздан 1,7-1,9 фоизга ўзгариши кутилмоқда. Ишсизлик бўйича сўнгги баҳорат 5-5,2 фоиз эмас, 4,9-5,1 фоизни ташкил этмоқда.

Айни пайтда 2017 йил учун АҚШнинг иқтисодий ўсиш баҳорати 2,3-2,5 фоиздан 2-2,4 фоизга тушиши тахмин қилинмоқда. Инфляция даражаси эса, аксинча, 1,8-2 фоиздан 1,9-2 фоизга кўтарилиши кутилапти. Ишсизлик даражаси ҳам 4,9-5,3 фоиздан 4,8-5,1 фоизга тушиши баҳорат қилинмоқда.

Узоқ истиқболдаги кўрсаткич АҚШ ЯИМ ўсиш суръати 2-2,3 фоизни, ишсизлик даражаси 5-5,2 фоизни ва инфляция даражаси 2 фоизни ташкил этиши қайд этилмоқда.

АҚШнинг ФЗТ базавий фоиз ставкасини рекорд даражадаги минимал қийматда, яъни 0-0,25 фоиз сифатида сақлаб қолган.

## Солиқ қонунчилиги шаффофлигига эришиш йўлида

Европа комиссияси солиқ тўлашдан бош тортиш муаммосини бартараф этиш йўллари дастури доирасида солиқ тизими шаффофлигини ошириш бўйича янги чора-тадбирлар мажмуини намойиш этди.

Ушбу чора-тадбирларнинг ўзига хос омили ЕИ давлатлари ўртасида солиққа оид маълумотларнинг автоматик алмашилишини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлди.

Ҳозирги пайтда ЕИ мамлакатлари бундай ахборот алмашилиш имкониятига эга эмас. Аксарият ҳолларда давлатлар солиққа оид ташкилий-ҳуқуқий асос бошқа давлатга нисбатан ҳам қўлланишига оид қарорни ўзлари қабул қилиб, бу ҳақида қўшни мамлакатни огоҳлантириб ҳам қўймайди ҳолатлари учраб турибди. Солиққа оид қарорларнинг шаффоф, очиқ эмаслиги айрим компаниялар томонидан сунъий равишда

кам солиқ тўлови тўланишига сабаб бўлмоқда.

Бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ЕИ мамлакатлари солиққа оид ўз қарорларини назарда тутувчи маълумотлар билан ҳар уч ойда бошқа мамлакат миллий солиқ тизимини хабардор қилиш механизминини жорий этиш кўзда тутилган.

Ушбу таклиф Европа парламентида муҳокама қилиш ва Европа кенгашида тасдиқлаш учун тақдим этиладиган бўлди. ЕИ мамлакатлари 2015 йил охирига қадар солиққа оид янги меъёрий ҳужжатни қабул қилиши ва 2016 йил 1 январдан кучга кириши ҳақида қайғуриши керак бўлади.

## Экспорт суғуртаси такомиллаштирилди

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиб, соҳани ривожлантириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди.


Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2022-сонли Қарори тадбиркорлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақини тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки ўрнатилган тартибда берилган экспорт шартномасининг суғуртаси бўйича полис мавжуд бўлган тақдирда 180 кун мобайнида маблағ келиб тушиши ёки ортга қайтариш муддати кафолатсиз хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Эски тартибга кўра эса, экспорт шартномаларини суғурталашда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан, суғурта мукофотларининг экспорт шартномаси тузилган хорижий валютада тўланиши экспорт фаолиятини янгидан бошлаган тадбиркорлар учун нуқуллик туғдирар эди. Юқоридагиларни инобатга олиб, 2014 йилнинг 2 юни-

да мазкур ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қарорга биноан эндиликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига махсулот экспорти учун 15 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси талаб қилинмайди ва суғурта мукофотларини миллий валютада ҳам тўлашларига рухсат берилди. Экспорт шартномалари асосан тижорат ва сиёсий таваккалчиликлардан суғурта қилинади. Бунда сиёсий таваккалчиликлар хорижий ҳамкор мамлакатда у томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятлари бажарилишига тўлиқ ёки қисман тўққинлик қилувчи сиёсий макроиқтисодий вазият нуқулга ўзгариши билан боғлиқ қалтисликлар бўлса, тижорат таваккалчиликлари бу хорижий ҳамкорнинг молиявий-иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда унинг исбот қилинган тўловга қодир эмаслиги ёки банкротлиги билан боғлиқ таваккалчиликлардир. «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан юқоридаги Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги суғур-

та шартномалари шартларига ўзгартиришлар киритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида намунавий суғурта шартномалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, суғуртани тарифлаш, ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилди. Унга кўра, суғурта тарифлари 2 хил мезон асосида ҳисобланади. Чунончи, сийлов таваккалчиликлари бўйича суғурта тарифлари мамлакатларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари асосида белгиланса, тижорат таваккалчиликлари бўйича суғурта тарифларини белгилашда хорижий харидорнинг тўлов қобилияти кўрсаткичлари асос бўлади. Компания томонидан 2014 йилда жами 44 та экспорт шартномаларини суғурталаш битими тузилган бўлса, шундан 34 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли битимлардир. Ушбу шартномаларга асосан жами 70,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги махсулотлар компания томонидан тақдим қилинган суғурта полислари асосида экспорт қилинишига эришилди. **Ширин БАЙСЕНОВА.**

## Музей-қўриқхонада ягона тўлов тизими

Очиқ осмон остидаги музей ҳисобланувчи «Ичон-Қалъа»га кириш учун тўлов тизимида ташриф жараёнини қулайлаштирувчи ўзгартириш киритилди, деб хабар бермоқда «Ўзбектуризм» миллий компанияси.



Янги жорий қилинган барча хизматлар учун ягона тўлов тизими ҳар бир хизмат учун алоҳида тўловни амалга ошириб, вақт сарфлашнинг олдини олади. Бир марталик тўлов «Ичон-Қалъа» бўйлаб тарихий экскурсия, қизиқарли театрлаштирилган томошаларга бориш, этнографик халқ концертлари, ўзбек миллий кинофильмларининг инглиз тилидаги намойиши, фестиваллар ҳамда бошқа туристик шоу ва тадбирларга кириш, мажмуанинг инфратузилмавий объектларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

## «Археология» электрон ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимлари томонидан ЭҲМ учун археология электрон ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Унинг асосий вазифаси археология фани бўйича олий таълим муассасалари талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун зарур бўлган ўқув методик маълумотларни яратиш, сақлаш ва тизим фойдаланувчилари учун етказиб беришдан иборат. Электрон қўлланмада фани ўқитишдаги кўргазмали-

лик ва талабаларда тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконияти юзага чиқарилган. Дастур профессор-ўқитувчилар ва олий таълим талабалари учун мўлжалланган бўлиб, муаллифлар Н.Эгамбердиева ва М.Файзиевлар ушбу электрон ўқув қўлланмаси учун тегишли тартибдаги гувоҳнома олдилар.

## Миллий авиакомпаниямиз эътирофи

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2015 йил январь-февраль ойларида Санкт-Петербургни «Пулково» аэропортида ташувлар ҳажми бўйича хорижий авиакомпаниялар орасида биринчи ўринни эгаллади.

Шу тариқа, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бу борада узоқ вақт давомида етакчилик қилиб келган Германиянинг «Lufthansa» авиакомпаниясини ортда қолдирди. Хорижий авиакомпаниялар етакчилари орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан ташқари «Lufthansa», «Emirates», «БелАвиа» ва «МАУ» ҳам бор. Улар февраль ойида жами 55009 нафар йўловчи ташиган бўлиб, бу умумий йўловчилар оқимининг 7,5 фоизига тенгдир.



«Туркистон-пресс» НАА материаллари асосида.

## Сайёҳлик фестивалига ҳозирлик

Жорий йилнинг 28 май – 1 июнь кунлари Бухорода XIV анъанавий «Ипак ва зирворлар» фестивали ўтказилади.

Хунармандчилик ва сайёҳликни ривожлантириш, Бухоро маданий мероси ва туристик салоҳиятини дунёга кенг тарғиб этиш мақсади кўзланган ушбу фестивалда халқ амалий санъати усталари махсулотларининг ярмаркаси, фольклор-этнографик дасталари ва бошқа бадиий жамоалар концертлари ташкил этилиши, турли кўргазмалар ва миллий спорт ўйинларини ўтказиш кўзда тутилган. Маълумки, 1993 йилнинг декабрида Бухоро шаҳрининг тарихий қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган эди. Бу галги

фестиваль чоғида ана шу тарихий воқеага бағишланган ёдгорлик лавҳасини тантанали равишда очиш режалаштирилган. Шунингдек, мамлакатимиз ва чет эллардан келган меҳмонлар учун воҳанинг тарихий жойлари, меъморий обидалари, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументига экскурсиялар ташкил этилади. Фестиваль доирасида «Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини – Бухорони халқаро туризм марказларидан бирига айлантириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилади.

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

**Акмал НАЗАРОВ**

Нашр учун масъул

**Анвар АСРОРОВ**

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

**ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА**

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,  
Ғ. Мавлонов кўчаси,  
1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz  
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун  
**234-43-18**

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.  
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади.

Кўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2090  
Адади: 10225 нуска.  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 25.03.2015 й., 9.00. 1